

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ НОДИР КАДИРОВИЧ

**БОШ МИЯ МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРИ МУЛЬТИФОКАЛ
АТЕРОСКЛЕРОЗИДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
ЕТИШМОВЧИЛИКНИНГ КЛИНИК ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ - 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Medical Sciences**

Хайдаров Нодир Кадирович

Бош мия магистрал артериялари мультифокал атеросклерозида
цереброваскуляр етишмовчиликнинг клиник патогенетик
хусусиятлари 3

Хайдаров Нодир Кадирович

Клинико-патогенетические особенности цереброваскулярной
недостаточности при мультифокальном атеросклерозе магистральных
артерий головы 25

Khaydarov Nodir Kadirovich

Clinical and pathogenetic peculiarities of cerebrovascular insufficiency in
multifocal atherosclerosis of the main arteries of the head 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ НОДИР КАДИРОВИЧ

**БОШ МИЯ МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРИ МУЛЬТИФОКАЛ
АТЕРОСКЛЕРОЗИДА ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР
ЕТИШМОВЧИЛИКНИНГ КЛИНИК ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib312 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гафуров Бахтиёр Гафурович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маджидова Якутхон Набиевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Джурабекова Азиза Тахировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ульяновск давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.М. Сабиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Г.С.Рахимбаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляр касалликлар орасида кенг тарқалган бош мия мультифокал атеросклероз бугунги кунда неврологиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб, дунё аҳолисининг катта ёшли қатлами орасида тобора кўп учраётган касалликлар жумласига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг прогностик маълумотларига кўра 2000 йилда цереброваскуляр касалликлардан ўлим кўрсаткичи 15 миллионга етган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 1,5 бараварга, яъни 25 миллионгача ошади. Бу касаллик бош мия магистрал артериялари (БММА)нинг зарарланиши оқибатида мияда ривожланиб боровчи нейродегенератив жараён туфайли йиллар давомида когнитив етишмовчиликнинг чуқурлашиб бориши натижаси ҳисобланади. Айтиш жоизки, 80–85% ҳолатларда церебрал инсультлар БММА зарарланиши сабабли рўй беради. Шу боис церебрал инсультлар профилактикасида ҳам, уни даволашда ҳам ангиохирургик муолажалар кенг қўлланилиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Дунё миқёсида охириги йилларда цереброваскуляр етишмовчилик (ЦВЕ) оқибатида когнитив бузилишлар бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЦВЕда когнитив бузилишларни эрта аниқлаш, нейропсихологик бузилишлар билан нейровизуал текширув усуллари орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда морфо-функционал тизимларнинг алоқадорлигини очиб бериш жуда муҳим ҳисобланади. БММАнинг зарарланиши сабабли ривожланиб боровчи когнитив етишмовчиликда нейро-психологик коррекция усулларини такомиллаштириш, ЦВЕ нейропсихореабилитация соҳасидаги изланишлар, бу касаллик ташхисоти ҳамда БММАни прогнозлаш ва касаллик ривожланиши кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, даво чораларини ўз вақтида тўғри танлаш бўйича мавжуд усулларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада когнитив бузилишларга олиб келувчи БММАнинг эрта босқичларида аниқлаш, аҳолининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини

янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайиши ва ҳаёти давомийлигининг узайишини таъминлаш тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ–3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари БММАда когнитив дисфункциялар динамикаси инсультнинг турли даврларида қай даражада намоён бўлишини мониторинг қилиб бориш зарурлигини кўрсатади. Экстракраниал артерияларнинг мультифокал атеросклеротик стенози миянинг қайси функционал блокларида когнитив функцияларни издан чиқариши ва қайси бирлари сақланиб қолиши тўла ечимини топгани йўқ. Шунингдек, БММАда олиб бориладиган реконструктив операциялар неврологик бузилишлар ҳамда когнитив бузилишлар динамикасига қай даражада таъсир этишини тадқиқ қилиш ҳам давр талабидир. Бу борада илмий ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Ишемик инсультларнинг геморрагик инсультдан тўрт маротаба, транзитор ишемик атакаларнинг мия инсультдан 9-10 баробар кўп учраши, экстракраниал артериялар патологиясига кенгроқ эътибор қаратишни тақозо этади. Цереброваскуляр касалликларнинг, шу жумладан, васкуляр деменциянинг кўпайиб бориши атеросклеротик зарарланиш патогенези, диагностикаси, даволаш ҳамда профилактика масалаларини изчил ва жадал ўрганишни тақозо этади [Верещагин Н.В., 2007]. Кўпинча церебрал томирлар атеросклерози ва гипертония касаллиги таъсирида пайдо бўладиган когнитив бузилишлар беморларда ҳам ўткир, ҳам сурункали цереброваскуляр касалликлар ривожланишида намоён бўлади. [Дуданов И.П. 2001, Kofler В. А. 1990]. 50% га яқин ҳолатларда ўртача когнитив бузилишлар беш йил мобайнида деменцияга олиб келади. Инсультни бошдан кечирган беморларнинг ҳар бешдан бирида ярим йил мобайнида деменция ривожланади, фақат 20% беморлардагина когнитив кўрсаткичлар меъёр даражасида қолади [Дамулин И.В. 1990, Яхно Н.Н. 2001].

Ҳозирги вақтда мияда қон айланиши бузилишининг ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи профилактика усулларини консерватив ва жарроҳлик

турларига ажратиш мумкин. Рандомизациялаштирилган текширувлар натижаси ТИА, асосан, каротид стенозларда ривожланади. Шунингдек, каротид стенозлар мияда қон айланишининг сурункали етишмовчилиги, яъни дисциркулятор энцефалопатия ривожланишига сабабчи бўлади. Бунда жарроҳлик коррекцияси самарадорлиги ишончли тарзда исботлаб берилган [Wilson S.E. 2003].

Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан, БММАнинг диагностик мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, экстракраниал артериялар стенозида цереброваскуляр етишмовчилик (ЦВЕ) ривожланишининг этиопатогенетик асосларини чуқур ўрганиш, когнитив бузилишларни этиологик жиҳатдан коррекция қилишда ангиохирургик даволаш муолажаларини кенг қўллаш, нейропротектив коррекция усулларини такомиллаштириш ва даволаш ушбу патологияни эрта аниқлашга ва янги диагностик имкониятларнинг очилишига ёрдам беради. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Юрак-томир касалликларининг асосий патогенетик механизмларини тадқиқ этиш. Клиника, диагностика, комплекс терапия ва профилактика масалалари» (2011–2017 йй.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади консерватив ҳамда хирургик даволаш жараёнида бош мия магистрал артерияларининг мультифокал атеросклеротик зарарланишида ЦВЕнинг клиник-патогенетик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли нейропсихологик шкалаларни қўллаш ёрдамида томирлардаги ўзгаришлар даражасини аниқлаш;

чақирилган акустик потенциаллар ёрдамида когнитив бузилишлар даражасини аниқлаш;

БММА мультифокал атеросклеротик зарарланишида цереброваскуляр бузилишларнинг функционал хусусиятларини аниқлаш;

БММА оператив аралашув динамикасида ЦВЕ ҳолатини баҳолаш;

ўтказилган тадқиқот усулларига асосланиб даволаш ва профилактика чора тадбирларини такомиллаштириш;

цереброваскуляр етишмовчиликда кортексинни интраназал қўллаб, когнитив бузилишларни коррекция қилиш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 43 ёшдан 69 ёшгача бўлган экстракраниал артерияларнинг мультифокал атеросклеротик зарарланиши сабабли дисциркулятор энцефалопатия билан касалланган 141 нафар

бемор танлаб олинди. Назорат гуруҳини 20 нафар соғлом шахслар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети бош мия магистрал артерияларининг мультифокал атеросклерозида когнитив бузилишлар ҳолатини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник маълумотлар, анамнез, нейропсихологик шкалалар (психик статусни баҳолашнинг қисқача шкаласи – Mini Mental State Examination, MMSE, Бекнинг депрессия шкаласи, соат чизиш тести)дан иборат неврологик текширув, нейровизуализацион (бош мия компьютер томография (КТ) ва магнит резонансли томография (МРТ) орқали бош мияда структур ўзгаришларни баҳолаш, дуплекс сканерлаш орқали церебрал артерияларнинг функционал ҳолати ва церебрал гемодинамикани ўрганиш, P300 қамраб олган клиник-неврологик текширув ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

БММА мавжуд беморларда нейровизуализация орқали аниқланган миянинг пешона, тепа, чакка соҳаларидаги структуравий ўзгаришлари олий нерв фаолияти ўзгариши билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

БММАнинг зарарланишини эрта босқичларда аниқлаш, уларнинг ривожланиши ва деменцияга ўтишини олдиндан билиш имконини берувчи нейропсихологик ва нейровизуализацион комплекс текширишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кореляцион анализ ёрдамида асослаб берилган;

ЦВЕда кузатиладиган когнитив бузилишларнинг клиник белгилари намоён бўлмаганда ҳам теширув натижалари касаллик хавфи мавжудлигидан дарак берувчи таққослама ташхислаш орқали аниқланган;

БММА сабабли ривожланган ЦВЕда беморларда когнитив дисфункцияларни каротид эндартэктомия усули ёрдамида коррекция қилиш ва кортексин дори воситасини интраназал қўллаш натижасида когнитив етишмовчиликнинг бартараф этилиши нейропсихологик тестлар ёрдамида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник, нейропсихологик ва нейрофизиологик усулларнинг комплекс қўлланилиши БММАнинг экстракраниал томиларининг мультифокал атеросклерозида ангиохирургик муолажаларни ва кортексинни интраназал йўл билан юбориш самарадорлигини аниқлаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, инструментал, иммунофермент ва статистик текшириш усуллари асосида амалга оширилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида олингани, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дунёда ЦВЕнинг эрта ташхисоти илмий изланишлар предмети ҳисобланишига ҳамда нафақат даво муолажаларини ўз вақтида бошлаш, балки касаллик ривожланиб борган сари бемор ва унинг қариндошларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарурлигига асосланади. БММА зарарланишининг асорати узоқ муддатли ногиронлик билан кечиши, беморнинг даволаниши ва парвариши учун иқтисодий сарф-ҳаражатларнинг кўплиги беморларнинг махсус муассасаларга ётқизилиши билан боғлиқ. БММА атеросклерози сабабли ривожланган ЦВЕга чалинган беморларда когнитив дисфункцияларни каротид эндартэктомия усули ёрдамида бартараф қилиш мумкинлиги, шунингдек, бузилган когнитив функцияларни кортексинни интраназал йўл билан бериб, корррекция қилиш йўллари илмий асослаб берилди. БММAnинг мултифокал атеросклерози эрта ташхисоти ва даволаш турини тўғри танлаш нафақат беморлар, балки давлат миқёсида маблағ тежамкорлигига, шунингдек, беморлар ҳаёти сифати кўрсаткичларининг яхшиланишига имкон яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нейропсихологик шкалалар (психик статусни баҳолашнинг қисқача шкаласи – Mini Mental State Examination, MMSE, Бекнинг депрессия шкаласи, соат чизиш тести) билан текшириш ҳамда нейровизуализацион усуллар билан биргаликда қўлланганда самараси юқорилиги билан (15%) изоҳланади. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ташхислаш жараёнини татбиқ этиш ЦВЕни эрта аниқлаш ва прогнозлашни оптимиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Олинган илмий натижалар асосида БММАда цереброваскуляр етишмовчиликнинг профилактикаси ва даволаш бўйича: «Жарроҳлик йўли билан даволашда бош мия магистрал артериялари стенозига чалинган беморлардаги когнитив бузилишларда интраназал медикаментли нейропротекцияни ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлиги» номли услубий тавсиялар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 4 ноябрдаги 8д-3/84-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиялар даволаш натижаларини яхшилаш ҳамда даволашга кетадиган сарф-ҳаражатларни 18% га камайтириш имконини беради;

Даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида, тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасининг даволаш-профилактика муассасаларига, хусусан, В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази АЖ, Тошкент Давлат стоматология институти клиникаси ҳамда Тошкент Тиббиёт Академияси 2-клиникаси амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бош мия магистрал артериялари мультифокал атеросклеротик зарарланишида цереброваскуляр бузилишлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда БММАда ЦВЕнинг этиологияси, патогенези ҳамда ривожланиш механизмларига оид тўлиқ илмий-амалий маълумотлар баён этилган. Шунингдек, мавжуд инструментал диагностика усуллари ва уларнинг натижалари, афзаллиги ва камчиликлари, даволаш ҳамда профилактика усуллари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Мия артерияларининг мултифокал атеросклерозидида цереброваскуляр етишмовчиликларни баҳолашга оид тадқиқотнинг метериаллари ва услубий масалалари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён қилинган. Мазкур иш 2015 йилдан 2017 йилгача В.Воҳидов номли РИХМда стационар шароитда даволанган бош мия магистрал артериялари текширилган ва операция қилинган 43 ёшдан 69 ёшгача (ўртача ёш $61,8 \pm 7,7$ ёш), шу жумладан, 43 ёшдан 60 ёшгача 77 нафар (54,6%) эркак (эркакларнинг ўртача ёши $61,5 \pm 7,5$ ёш) ҳамда 43 ёшдан 66 ёшгача 64 нафар (45,4%) аёл (аёлларнинг ўртача ёши $62,3 \pm 8,0$ ёш) клиник текширувдан ўтган ва даволанган 141 нафар беморнинг кўрсаткичларига асосланади.

Ультратовуш дуплекс сканерлаш ҳамда ангиографик текширув натижалари билан тасдиқланган экстракраниал артерияларнинг мультифокал стенози асосий тадқиқот мезони сифатида танлаб олинди. Шунингдек, нейропротектив таъсирга эга дорини интраназал юбориш йўли илмий асослаб берилди. Декомпенсация босқичидаги соматик касалликлар, ҳилпилловчи аритмия, умуртқа артерияларининг патологик деформациялари мавжуд бўлган жиддий ҳолатлар когортага киритилмади. Тадқиқот доирасига қамраб олинган барча беморларнинг SCORE шкаласи (Systematic Coronary Risk Evaluation) бўйича 10 йилда жинси, ёши, систолик АҚБ, умумий холестерин миқдори ва чекиш эътиборга олиниб, ўлимга олиб келувчи юрак қон-томир касалликлари ҳавфи 5% атрофида экани аниқланди.

АСАС (Asymptomatic Carotid Atherosclerotic Study) мезони бўйича церебрал гемодинамика доирасида ўчоқли неврологик симптомлар пайдо

бўлган БММАнинг асимптом жароҳатланиши 65 нафар (46,8%), симптом зарарланиш 76 нафар (53,9%) беморда кузатилган. 26 нафар бемор касалхонага ётқизилгунгача транзитор ишемик атака (ТИА)ни; 50 нафари бош мия қон айланишининг ўткинчи бузилишини бошдан кечирган. Классификацияга биноан оғирлик даражасига кўра, бош мия цереброваскуляр касаллигига чалинган беморларни (Шмидт Е.В., 1985) 3 гуруҳга: 1- гуруҳда 23 нафар (10,1%), 2-гуруҳда 43 нафар (18,9%), 3-гуруҳда 75 нафар (34,4%) га ажратдик. 1-гуруҳ беморлари 2- ва 3-гуруҳ беморларидан ёшроқ бўлгани аниқланган. Ультратовушли дуплекс сканлаштириш ва ангиографик тадқиқот маълумотларига кўра фақат БММА якка ҳолда кам учраган (13 нафар бемор (9,2%)). Кўпроқ бикаротид (90,7%) ҳамда каротид ва вертебробазилляр артерияларнинг биргаликда зарарланиши аниқланган (56,4%). Тадқиқотга киритилганлар орасида каротид артерияларнинг гемодинамик аҳамиятли С ва S-симон патологик деформациялари – 57,4% (81), кинг-кинг – 18,4% (26), койлинг – 24,8% (35)ни ташкил этган. БММА сабабли торайиш кузатилган 108 нафар бемор орасида 35,2% ҳолатларда максимал стеноз (50–69%), 59,3% – ўта кескин (70–99%) ва 5,6% ҳолатларда окклюзия яққол намоён бўлган.

Беморларда ангионеврологик текширувлар, хусусан, ангиохirurg кўриги, ангиовизуализация, кардиолог кўриги ва биокимёвий текширувлар ўтказилди. Ушбу текширувлар операциягача ва операциядан кейин ҳамда ўтказилган терапевтик муолажалар натижасини аниқлаш мақсадида даволаш курси сўнггида ҳам ўтказилди. Неврологик статусни таҳлил қилишда умумий неврологик симптомлар билан бир қаторда, ўчоқли неврологик симптомлар ҳам клиник баҳолашдан, ҳам неврологик шкалалар ёрдамида объектив баҳолашдан ўтказилди. Ангионейровизуализация ва лаборатор текширувлар динамикада ўтказиб турилди ва клиник-неврологик, когнитив бузилишлар билан таққослаб ўрганиб борилди. Когнитив функциялар цереброваскуляр касалликларда қўлланиладиган нейропсихологик шкалалар ёрдамида ўрганиб борилди. Бунда бир қатор юқори информатив шкалалар танлаб олинди.

Тадқиқот жараёнида тўпланган клиник ва параклиник материаллар Statistica-6,0 дастури асосида статистик таҳлил қилиб борилди. Ушбу дастур асосида ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача стандарт тафовут (m), нисбий миқдорлар частотаси (%) ҳисобланган ҳолда статистик қайта ишланди. $P < 0,05$ аниқлик даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Бош мия магистрал артериялари мультифокал атеросклерозиди беморларнинг клиник жиҳатдан ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида БММА аниқланган 141 нафар беморни ўрганиш маълумотлари ўрин олган. Бош магистрал артериялари зарарланган


беморларда цереброваскуляр касалликлар орасида АГ (п=138; 97,9%) етакчи ўрин эгаллади. Артериал гипертензиянинг 1-босқичида 3,5%, 2-босқичида 7,8%, 3-босқичида 86,6% ни ташкил қилди. Фақат 3 (2,1%) нафар беморда АГ аниқланмади. Бундан ташқари, ЮИК турли клиник турларда намоён бўлди (п=109; 77,3%), шу жумладан, стенокардия (п=77; 54,6%), постинфаркт кардиосклероз (ИККС) (п=29; 20,6%) аниқланди. Қандли диабет 47 нафар беморда (33,3%) кузатилди. 76 бемор (53,9%) анамнезда БМҚАЎБ ўтказган, улардан бир марталик ёки кўп марталик ТИА 26 нафар (18,4%), инсульт 50 нафар (35,5%) беморда аниқланди. Шифохонага жойлаштирилган беморларда цереброваскуляр бузилишларнинг клиник турларига мос равишда неврологик ва нейропсихологик бузилишлар аниқланди. Масалан, дисциркулятор энцефалопатия (ДЦЭ)нинг 1-босқичида субъектив симптомлар объектив симптомларга қараганда устунлик қилган. Бунда объектив симптомлар, яъни горизонтал нистагм, VII ва XII нервларнинг марказий фалажлиги, пай рефлекслари анизорефлексияси, патологик пирамидал симптомлар 34,8% беморда аниқланди. ДЦЭ 2-босқичида объектив симптомлар субъектив симптомлардан устунлик қилди. Умумий ҳисобда 76,7% (п=33) беморда тарқоқ неврологик микросимптомлар аниқланди. Касалликнинг бу босқичида қолган объектив неврологик бузилишлар кучайиши баробарида координатор бузилишлар, яъни Ромберг синовида бироз чайқалишлар юзага келди. ДЦЭ 3-босқичи бир неча мартаба ўтказилган ТИА ёки ривожланиб боровчи сурункали церебрал ишемия фониди шаклланди. Бунда субъектив симптомлар сустлашиб объектив неврологик синдромлар: гемисиндром (33%), вертебробазилар синдром (34%), амиостатик синдром (29%), эпилептик синдром (4%) шаклланди. Шунингдек, касалликнинг ушбу босқичида когнитив бузилишлар яққол намоён бўлди.

БММА сабабли брахиоцефал артерияларнинг гемодинамик аҳамиятли стенозида церебрал гемодинамика бузилишлари пўстлоғости тузилмаларида яққол намоён бўлди. Бундай беморларда цереброваскуляр бузилишлар клиникаси амиостатик синдром билан намоён бўлди. Уларда мушаклар тонусининг пластик тарзда ошуви (78%), гипо- ва олигокинезия (81%), тинч ҳолатдаги тремор (69%), гипомимия (87%), монотон нутқ (72%) каби паркинсонизмга хос симптомлар билан намоён бўлди. Ушбу беморларда когнитив бузилишлар пўстлоғости деменциясини эслатувчи симптомлар билан, яъни эслаб қолиш қобилиятининг сусайиши, фикрлар қарахтлиги, автоматизмга айланган ҳаракатларни бажара олмаслик ҳолатлари кузатилди.

БММА гемодинамик аҳамиятли стенозларни юзага келтирган ҳолатларда каротид артерияларни аускультация ёрдамида текширган ҳолатларда шовқин борлиги аниқланди. Бундай беморларда каротид артериялар

букилувчанлиги назорат гуруҳдагиларга қараганда 9,4 марта ($p < 0,05$) кўп учради. БММА ва патологик букилувчанликнинг кўшилиб келиши 2-гуруҳдагиларга нисбатан 2,45 ($p < 0,05$), когнитив бузилишлар эса 1,66 баробар ($p < 0,05$) кўп кузатилди. Уларда неврологик ва когнитив бузилишлар БММА ва церебрал гемодинамика ўзгаришларига мос равишда намоён бўлди. Аниқланган симптомлар ва синдромлар 1-расмда акс эттирилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳига қараганда, гемисиндром БММА сабабли ривожланган каротид ҳавзадаги цереброваскуляр бузилишлар 2,25 баробар кўп ($p < 0,05$), вертебробазиляр етишмовчиликларда эса вестибуло-координатор бузилишлар 3 баробар кўп ($p < 0,01$) кузатилди.




1-расм. БММА сабабли ривожланган ДЦЭ 2-босқичининг клиник структураси

Ички уйқу артерияси (ИУА)нинг турли даражадаги стенози аниқланган гуруҳда ўчоқли неврологик бузилишлар, гемианестезия, моноанестезия, парестезиялар, мускуллар тонусининг спастик ёки пластик тарзда ўзгаришлари статистик ишонарли даражада кўп учради.

БММА турли даражада ифодаланган беморларда когнитив функциялар назоратдаги гуруҳга қараганда 19–30 балл диапазолида ўзгариб $26,5 \pm 2,2$ баллни ташкил этганини кўрсатди ($p < 0,01$). Бундай беморларда предмет бузилишлар 62,4% (121 нафар беморда), энгил деменция 7,8% (11 нафар беморда) ва яққол ифодаланган деменция 1,4% (2 нафар беморда) аниқланди.

БММА фонида цереброваскуляр бузилишлар кучайган сари MMSE шкаласи бўйича ўртача балл пасайиб борди ва 65,2% ҳолатларда ДЦЭнинг 1- босқичида когнитив бузилишлар аниқланмади, 2- ва 3-босқичларида эса 27,9% ва 18,6% ($p < 0,05$) ҳолатларда ушбу бузилишлар қайд этилган. Энг кўп демент бузилишлар ДЦЭнинг 3-босқичида (17,3%) аниқланган (2-расм).

БММА сабабли ривожланган когнитив бузилишлар нафақат брахиоцефал артериялар стенози билан, балки экстракраниал артерияларда кинг-кинг ва койлинг каби эгилишлар назоратдаги гуруҳга қараганда кўп аниқланганлиги билан ҳам боғлиқ бўлди.



Изоҳ: * – маълумотларнинг 1-босқичга нисбатан аниқлиги ($P < 0,05$).

2-расм. MMSE шкаласи бўйича ДЦЭнинг турли босқичларида когнитив бузилишлар структураси

Чунки ўрганилаётган асосий гуруҳда назоратдаги гуруҳга қараганда бундай патологик эгилишлар ДЦЭнинг 1-босқичида 7%, 2-босқичида 15,6% ($p < 0,05$), 3-босқичида эса 35,7% ($p < 0,01$) учради. Ушбу кўрсаткичларда когнитив бузилишлар даражасининг тўғри корреляцион боғлиқлиқлиги аниқланди ($r = 0,65$). Демак, цереброваскуляр етишмовчиликда аниқланадиган когнитив бузилишлар нафақат бош миянинг майда

артериялари зарарланиши, балки экстракраниал артериялардаги патологик эгилишларга ҳам узвий боғлиқ.

Беморлар томонидан соат чизиш тести беморларнинг 38 нафарида (16,7%) 10 балл (норма), 63 нафарида (27,8%) 9 балл ($p < 0,05$), 98 нафарида (43,2%) 8 балл ва 28 нафарида (12,3%) 7 балга ($p < 0,05$) бажарилган. Бундай беморларда экстракраниал артериялардаги стеноitik бузилишлар ва уларнинг патологик деформацияси ошган сайин соат чизиш тести кўрсаткичлари ҳам пропорционал тарзда ошиб борди ($r = 0,76$). Экстракраниал артериялар патологияси аниқланган назорат гуруҳида эса соат чизиш тести кўрсаткичлари ижобий бўлди.

Апраксия ва оптик-фазовий агнозия брахиоцефал артерияларнинг стеноitik торайишлари даражасига қараб ўзгариб борди: ДЦЭ 1-босқичида ($r = 0,38$; $p < 0,05$), 2-босқичида ($r = 0,56$; $p < 0,05$), 3-босқичида ($r = 0,65$; $p < 0,01$). Бундай олий рухий функцияларнинг бузилиши учун, албатта, бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи соҳасида микроциркулятор ўзгаришлар юзага келган бўлиши керак. Гослинг ва Пурселло индексларидаги патологик ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам параллел тарзда церебрал гемодинамиканинг бузилишларини кўрсатди.

Шундай қилиб, асосий гуруҳда ишчанлик кўрсаткичи $616,0 \pm 20,1$ ($P < 0,001$)ни ташкил этди. Бунда диққатни жамлаш даражаси $14,4 \pm 0,058$ ($P < 0,01$)га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткичлар назоратдаги гуруҳга қараганда паст даражада эканлигини кўрсатди. Церебрал гемодинамика пасайган сайин неврологик ва когнитив бузилишлар статистик ишонарли тарзда кучайиб борди.

1- жадвал

БММА сабабли ривожланган цереброваскуляр бузилишларда когнитив бузилишлар структураси

	соат чизиш, балл							
	7		8		9		10	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Жами	18	12,8	61	43,3	39	27,7	23	16,3
Сабаблар								
Атеросклероз	4	6,7	34	56,7	12	20,0	10	16,7
Патологик эгилишлар	2	6,1	6	18,2	16	48,5	9	27,3
АС+ ПЭ	12	25,0	21	43,8	11	22,9	4	8,3
ДЦЭ босқичлари								
1-босқич	0	0	7	30,4	7	30,4	9	39,1
2-босқич	6	14,0	15	34,9	12	27,9	10	23,3
3-босқич	12	16,0	39	52,0	20	26,7	4	5,3
Стеноз								
<70%	10	9,3	30	27,8	33	30,6	35	32,4
>70%	5	15,2	9	27,3	11	33,3	8	24,2

Асосий гуруҳда назорат гуруҳига қараганда ишчанлик, диққатни жамлаш ва унинг барқарорлик кўрсаткичлари паст бўлди ($p < 0,01$). Бурдоннинг корректура синамалари бўйича диққатнинг пасайиб бориши ДЦЭнинг турли босқичларида корреляцион боғлиқлик куйидагича бўлди: касалликнинг 1-босқичида ($r = 0,39$; $p < 0,05$), 2-босқичида ($r = 0,49$; $p < 0,01$), 3-босқичида ($r = 0,62$; $p < 0,01$).

Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда асосий ва назорат гуруҳларида нутқнинг семантик функциялари текширилди. Бунинг учун когнитив неврологияда кенг қўлланиладиган методлардан фойдаланилди. Беморларга 1 дақиқада имкон бориша кўпроқ ўсимликларни айтиб бериш таклиф этилди. Бунда асосий гуруҳда кўрсаткич $15,9 \pm 0,03$, назорат гуруҳида $12,4 \pm 0,02$ га тенг бўлди ($p < 0,01$). Фонетик ифодаланган ассоциациялар, яъни бир дақиқа мобайнида имкон бориша «п» ҳарфи билан бошланадиган буюмларни айтиб бериш сўралганда, асосий гуруҳда кўрсаткичлар $14,9 \pm 0,03$, назорат гуруҳида $10,1 \pm 0,03$ га тенг бўлди ($p < 0,01$).

БММА жароҳатланган беморларда семантик белгиланадиган ассоциациялар (СБА) 1,2 марта ($P < 0,001$) ҳамда фонетик белгиланадиган ассоциациялар (ФБА) ($P < 0,001$) 1,5 марта пасайиши аниқ қайд этилган. Барча беморларда энг кўп ўзгаришлар ФБА сони таҳлилида аниқланган (2-жадвал).

Ўрганилаётган гуруҳда ФБА назорат гуруҳига нисбатан 32,2 % га пасайган бўлса, СБА назорат гуруҳига қараганда 18,8% га пасайди. Тадқиқотда ФБА ва СБА кўрсаткичлари цереброваскуляр етишмовчилик ва ИУА стенози босқичининг оғирлигига боғлиқ ҳолда пасайиши аниқланган.

2-жадвал

Ўрганилган беморларда сўзлашув фаоллиги бўйича синовнинг ўртача кўрсаткичлари

Гуруҳлар	СБА	ФБА
Назорат (n=30)	$15,9 \pm 0,03$	$14,9 \pm 0,03$
Асосий гуруҳ (n=141)	$12,9 \pm 0,20^{***}$, 18,8%	$10,1 \pm 0,48^{***}$, 32,2%
Сабаблар		
Атеросклероз	$13,4 \pm 0,30^{***}$, 15,7%	$10,8 \pm 0,48^{***}$, 27,5%
Букилувчанлик	$13,9 \pm 0,30^{***}$, 12,5%	$9,4 \pm 0,35^{***\wedge}$, 26,9%
АС+ПЭ	$12,7 \pm 0,21^{***}$, 11,5%	$8,9 \pm 0,27^{***\wedge}$, 24,2%
ДЦЭ босқичлари		
1-босқич	$13,8 \pm 0,24^{***}$, 12,8%	$10,6 \pm 0,15^{***\wedge}$, 29,1%
2-босқич	$12,8 \pm 0,26^{***}$, 11,7%	$9,8 \pm 0,15^{***}$, 27,1%
3-босқич	$12,1 \pm 0,16^{***\wedge}$, 11,2%	$9,3 \pm 0,18^{***}$, 26,8%
Стеноз		
<70%	$13,4 \pm 0,19^{***\wedge}$, 13,7%	$9,8 \pm 0,15^{***}$, 27,1%
>70%	$14,1 \pm 0,21^{***}$, 16,2%	$11,3 \pm 0,21^{***\wedge}$, 36,8%

Изоҳ: * – назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан аниқлиги (* $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; *** $P < 0,001$); \wedge – 1-босқичга нисбатан фарқнинг аниқлиги ($\wedge P < 0,05$; $\wedge\wedge P < 0,01$; $\wedge\wedge\wedge P < 0,001$).

Пешона ва пўстлоғости дисфункцияси устуворлик қилган ҳолатларда ФБА кўрсаткичлари СБА кўрсаткичларига қараганда статистик ишонарли даражада паст бўлди ($p < 0,01$). Демак, СБАга нисбатан ФБАнинг пасайиши БММАда пешона-пўстлоғости дисфункцияси мавжудлигини тасдиқлайди.

Асосий ва назорат гуруҳида оптик хотирани ўрганиш натижалари қуйидагича бўлди. Оптик сақланган хотира изларини шу заҳоти айтиб бериш асосий гуруҳда $8,5 \pm 0,02$, назорат гуруҳида $12,5 \pm 0,02$ ($p < 0,05$)ни ташкил қилди. Ушбу хотира изларини 10 дақиқадан кейин қайта тиклаш сўралганда, кўрсаткичлар асосий гуруҳда $6,45 \pm 0,03$, назорат гуруҳида $10,4 \pm 0,03$ ($p < 0,05$) ни кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, мультифокал атеросклероз аниқланган беморларда предметларни таниб олиш қисман сақланиб қолган бўлиб, бу кўрсаткич $10,0 \pm 0,08$ га тенг бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳига киритилганларда оптик хотирани ўрганиш кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Шу заҳоти хотирадан қайта тиклаш	10 дақиқадан кейин	Таниб олиш
Назорат гуруҳи (n=20)	$11,97 \pm 0,03$	$11,93 \pm 0,05$	$11,9 \pm 0,06$
Асосий гуруҳ (n=141)	$8,5 \pm 0,02^{**}$	$7,1 \pm 0,02^{**}$	$10,0 \pm 0,08^*$
Сабаблар			
Атеросклероз	$9,2 \pm 0,08^*$	$7,5 \pm 0,08^{**}$	$10,8 \pm 0,08^*$
Букилувчанлик	$8,9 \pm 0,04^*$	$7,4 \pm 0,05^{**}$	$9,8 \pm 0,06^*$
АС+ПЭ	$7,9 \pm 0,07^*$	$6,7 \pm 0,08^*$	$9,2 \pm 0,07^*$
ДЦЭ босқичлари			
1-босқич	$9,5 \pm 0,06^*$	$9,9 \pm 0,04^*$	$10,5 \pm 0,06^*$
2-босқич	$8,7 \pm 0,08^{**}$	$9,4 \pm 0,08^*$	$9,5 \pm 0,07^{*\wedge}$
3-босқич	$8,1 \pm 0,07^{**\wedge}$	$8,6 \pm 0,1^{**\wedge}$	$8,8 \pm 0,06^{**\wedge\wedge}$
Стеноз			
70%<	$8,6 \pm 0,06^{**}$	$9,2 \pm 0,07^*$	$9,3 \pm 0,09^*$
70%>	$8,2 \pm 0,08^{**}$	$8,8 \pm 0,08^{**}$	$8,9 \pm 0,04^{**}$

Изоҳ* – Назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан аниқлик (* $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; *** $P < 0,001$); \wedge – 1-босқичга нисбатан фарқнинг аниқлиги ($\wedge P < 0,05$; $\wedge\wedge P < 0,01$; $\wedge\wedge\wedge P < 0,001$).

Асосий гуруҳда назорат гуруҳига қараганда ишчанлик, диққатни жамлаш ва унинг барқарорлик кўрсаткичлари паст бўлди ($p < 0,01$).

Шундай қилиб, ДЦЭнинг турли босқичларида оптик хотира билан корреляцион боғлиқлик қуйидагича бўлди: 1-босқичда ($r = 0,43$; $p < 0,05$), 2-босқичда ($r = 0,51$; $p < 0,01$), 3-босқичда ($r = 0,58$; $p < 0,01$).

Чақирилган когнитив потенциаллар (P300) ёрдамида ЦВЗда когнитив функцияларнинг чуқур нейро- ва психофизиологик механизмларини ўргандик. ЧКПни ўрганиш мобайнида қўлга киритилган маълумотлар асосида асосий ва назоратдаги гуруҳ кўрсаткичлари орасида статистик ишонарли фарқ борлиги аниқланди. БММА фонидида ривожланган

цереброваскуляр етишмовчиликларда N2-P3 интервали кўрсаткичлари ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилди.

Цереброваскуляр етишмовчиликда P300 кўрсаткичлари стеноз даражаси ($P < 0,01$) ва ҚОЧТ кўрсаткичлари даражасига ($P < 0,01$) тўғри пропорционал тарзда боғлиқ бўлди. БММА зарарланишининг характери ҳам N2-P3 интервали кўрсаткичларига таъсир қилди ва бу ўзгаришлар атеросклеротик стеноз экстракраниал артерияларнинг патологик эгилувчанлиги билан биргаликда кузатилганда яққолроқ намоён бўлди. ЧКП кўрсаткичлари соат чизиш синамаси ва оптик хотирани текшириш натижаларига ҳамоҳанг тарзда ўзгариб борди. Буни ушбу маълумотлар орасидаги корреляцион анализ таҳлиллари кўрсатиб турибди (4- жадвал).

4 жадвал

Тадқиқот олиб борилган гуруҳларда N2-P3 интервалининг ўртача кўрсаткичлари

Беморлар	N2-P3 гуруҳлар бўйича ўртача кўрсаткичлари	
	C3	C4
Назорат гуруҳи	59,3±5,8	69,1±9,1
Асосий гуруҳ (n=141)	49,0±3,3*	60,7±4,2*
Сабаблар		
Атеросклероз	54,2±3,7**	58,8±4,3*
Букилувчанлик	46,8±2,9***	56,3±3,3*
АС+ПЭ	42,1±3,2***	49,3±3,3**
ДЦЭ босқичлари		
1-босқич	56,5±4,9	61,3±4,3*
2-босқич	51,3±3,8*	59,2±3,4*
3-босқич	47,3±4,2**^^	49,2±4,4**^
Стеноз		
<70%	58,5±3,6	61,6±3,5*
>70%	45,4±4,6*б	44,6±4,5*б

Изох:* – Назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан аниқлик (* $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; *** $P < 0,001$); ^ – 1- босқичга нисбатан фарқнинг аниқлиги (^ $P < 0,05$; ^^ $P < 0,01$; ^^ ^ $P < 0,001$); б – стеноз босқичига нисбатан фарқнинг аниқлиги.

Маълумотларнинг ўзаро корреляцион анализи БММАда нейропсихологик тестлар ҳамда N200 ва P300 кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эканини тасдиқлади.

Асосий гуруҳда УУА ва ИУА қон оқиши чизиқли тезлигининг таққослаб ўрганиш натижалари назорат гуруҳиникидан фарқланади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар норма ҳолатидаги микдордан оғишмай, 57,920±4,081 см/с ва 60,450±3,960 см/с ни ташкил этди. ДЦЭнинг 1-босқичида бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидагидан анча фарқли:

54,690±6,444 см/с ва 57,780±5,795 см/с. ДЦЭнинг 2-босқичида эса УУА ва ИУА ҚОЧТ сезиларли даражада камаймади: 46,482±6,545 см/с ва 51,009±7,858 см/с ($p>0.05$). Қон оқиши тезлиги УУА 36,177±8,220 см/с ва ИУА 38,972±6,665 см/с ни ташкил этган бўлса, (назорат гуруҳига нисбатан УУА ва ИУА ҚОЧТ $p<0,05$), ДЦЭнинг 3-босқичида УУА 29,254±7,312 см/с ва ИУА 27,954±8,123 см/с ни ташкил этган (назорат гуруҳига нисбатан $p<0,05$).

Маълумотларнинг ўзаро корреляцион анализи БММАда нейропсихологик тестлар ҳамда N200 ва P300 кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эканини тасдиқлади.

Асосий гуруҳда УУА ва ИУА қон оқиши чизиқли тезлигининг таққослаб ўрганиш натижалари назорат гуруҳиникидан фарқланади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар норма ҳолатидаги микдордан оғишмай, 57,920±4,081 см/с ва 60,450±3,960 см/с ни ташкил этди. ДЦЭнинг 1-босқичида бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидагидан анча фарқли: 54,690±6,444 см/с ва 57,780±5,795 см/с. ДЦЭнинг 2-босқичида эса УУА ва ИУА ҚОЧТ сезиларли даражада камаймади: 46,482±6,545 см/с ва 51,009±7,858 см/с ($p>0.05$). Қон оқиши тезлиги УУА 36,177±8,220 см/с ва ИУА 38,972±6,665 см/с ни ташкил этган бўлса, (назорат гуруҳига нисбатан УУА ва ИУА ҚОЧТ $p<0,05$), ДЦЭнинг 3-босқичида УУА 29,254±7,312 см/с ва ИУА 27,954±8,123 см/с ни ташкил этган (назорат гуруҳига нисбатан $p<0,05$).

Назорат гуруҳида миянинг ўрта артериясида ҚОЧТ 77,000±10,765 см/с, дисциркулятор энцефалопатиянинг I, II ва III босқичларида – 69,760±11,564 см/с; 60,818±8,130 см/с ва 44,214±6952 см/с ни ташкил этди. ҚОЧТ бўйича назорат гуруҳи ҳамда ДЦЭнинг 1 ва 2-босқичлари ўртасида аниқ тафовутлар қайд этилган бўлса, 3-босқичда бу кўрсаткичларнинг статистик ишонарли тарзда камайганини кўриш мумкин ($P<0,05$). Назорат гуруҳида УАи қон оқишининг чизиқли тезлиги 37,870±3,105 см/с; ДЦЭ 1-босқичида 39,730±4,997 см/с ни ташкил этди. Кейинчалик ҚОЧТ пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2-гуруҳ беморларида 36,367±5,902 см/с ва 3-гуруҳдагиларда 24,115±5,246 см/с ни ташкил қилди ($P<0,05$). Назорат гуруҳида ва 1-босқич беморларида УАи ҚОЧТ деярли фарқланмаган ҳамда 37,560±3,196 см/с ва 37,920±5,330 см/с ни ташкил этган. 2-босқичда ҚОЧТ 33,864±1,983 см/с гача, 3-босқичда 28,265±5,102 см/с гача пасайган. УАи бўйича қон оқиши чизиқли тезлиги назорат гуруҳида 52,425±6,125 см/с ни ташкил этган. 1-босқичда ОАда ҚОЧТ сезиларли даражада фарқланган ва 52,685±6,956 см/с га тенг бўлган. Бу кўрсаткич 2-босқичда 47,291±7,015 см/с гача, 3-босқичда 38,695±6,521 см/с гача пасайган ($P<0,01$).

Транскраниал дуплексли сканерлашда уйку артериялари ИМКда қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: назорат гуруҳида 0,660±0,119 мм., ДЦЭнинг 1-босқичида 0,750±0,132 мм., 2-босқичида 1,118±0,206 мм.,

3-босқичида $1,229 \pm 0,182$ мм. Ушбу кўрсаткичлар орасида статистик фарқ $p < 0,05$ ва $p < 0,01$ бўлиб, улар цереброваскуляр етишмовчилик даражасига қараб ўзгариб борди: ДЦЭ 1-босқичда ($r=0,39$; $p < 0,05$); 2-босқичда ($r=0,45$; $p < 0,01$); 3-босқичда ($r=0,58$; $p < 0,01$).

